| ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ | ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ ҚАРАРЫ |
|---|---|
| Нукус шаҳри | Нөкис қаласы |
| № 328 | « 19 » май 2018 ж.й |

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчиларининг овқатланишини ташкил этиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 366-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчиларининг овқатланишини ташкил этиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 366-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчиларининг овқатланишини ташкил этиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 366-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг:

ошхоналар ходимлари сонини, озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш ва етказиб бериш харажатларини мақбуллаштириш, табиий камайиш нормалари доирасида нобудгарчиликларни энг кам даражага келтириш, таомлар турларини хилма- хиллаштириш ва овқат тайёрлаш сифатини яхшилаш ҳамда бўлинмалар самарадорлигини ошириш имконини берадиган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмалари шахсий таркибининг овқатланишини аутсорсинг шартларида ташкил этиш соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмларини босқичма-босқич жорий этиш;

аутсорсинг шартларида овқатланишни ташкил этишни биринчи навбатда бўлинмаларда, ҳарбий қисмларда, кичик мутахассисларни тайёрлаш ўқув марказларида ва ҳарбий даволаш муассасаларида жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилганлиги.

б) Қуйидагилар:

аутсорсинг бўйича умумий овқатланиш корхоналари (кейинги ўринларда аутсорсер деб аталади) хизматларига ҳақ тўлаш аутсорсернинг барча харажатларини (солиқлар, ходимларнинг иш ҳақи, транспорт хизматлари ҳамда асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш ва бошқаларни) ўз ичига оладиган 20 фоизгача устама ҳақ ҳисобга" олинган овқатланишнинг тасдиқланган нормасидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан белгиланиши;

шахсий таркибнинг овқатланишини ташкил этиш учун ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебелидан фойдаланганлик учун тўлов нол ставка буйича белгиланиши;

шахсий таркибга овқат тайёрлаш учун аутсорсер томонидан истеъмол қилинадиган коммунал хизматлар қиймати Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ажратилган бюджет маблағлари доирасида қопланиши;

аутсорсингнинг кўрсатилган хизматлари учун нархлар (шартномалар бўйича), қоидага кўра, кўпи билан бир ойда бир марта қайта кўриб чиқилиши кераклиги;

аутсорсинг бўйича шартномалар тузиш умумий овқатланиш соҳасида катта иш тажрибасига, тегишли молиявий ва логистик базага эга бўлган талабгорларга устунлик берилган ҳолда энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан амалга оширилиши;

санитария қоидаларига, гигиена нормалари ва нормативларига, шунингдек, техник тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларга тўлиқ мувофиқ бўлиши керак бўлган овқат тайёрлаш ва маҳсулотлар сифатини назорат қилиш зарурат булганда вазирликлар ва идораларнинг мутахассислари жалб этилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тегишли булинмалари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига:

аутсорсинг тизимига ўтиш муносабати билан тежалган пул маблағларини биринчи навбатда ҳарбий хизматчиларнинг овқатланиши шарт-шароитларини яхшилашга йўналтириш;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тегишли бўлинмаларида шахсий таркибнинг овқатланишини ташкил этиш бўйича аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни икки ой муддатда тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

нархларнинг асоссиз ўсиб кетишига ва овқат сифатининг ёмонлашишига йўл қўймаслик устидан қатъий назоратни таъминлаш топширилганлиги;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимликларига:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларининг сўрови бўйича озиқ-овқатларга амалдаги ўртача бозор нархлари тўғрисидаги маълумотларни мунтазам тақдим этиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари тўғридан-тўғри шартномалар бўйича бевосита фермер хўжаликларидан, улгуржи савдо ташкилотлари ва уларнинг вакилларидан сотиб олинишида аутсорсерларга ҳар томонлама ёрдам бериш вазифалари юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳарбий қисмларнинг эхтиёжлари учун озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берувчи хўжалик юртувчи субъектларни белгилаш бўйича махсус комиссиясига:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Шимоли-Ғарбий тактик гуруҳининг сўрови бўйича озиқ-овқатларга амалдаги ўртача бозор нархлари тўғрисидаги маълумотларни мунтазам тақдим этиш;

нархлари тўғрисидаги маълумотларни мунтазам тақдим этиш;

озиқ-овкат маҳсулотлари тўғридан-тўғри шартномалар бўйича бевосита фермер хўжаликларидан, улгуржи савдо ташкилотлари ва уларнинг вакилларидан сотиб олинишида аутсорсерларга ҳар томонлама ёрдам бериш топширилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари А.Тажетдинов зиммасига юклатилсин.

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашининг Раиси** **Қ.Сариев**

UMUMIY BO'LIM
ULIWMA BO'LIM